O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 31 январь ШАНБА

№ 9 (12.124)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz



*Чиноз тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходимлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатишаётир. Шуниси аҳамиятлики, сўнгги йилларда бу ерда ташхис-даволашнинг янги усуллари жорий этилиб, тиббиёт ходимларининг билим ва малакаларини оширишга эътибор кучайтирилаётир. Яқинда бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалар "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳасини амалга ошириш борасидаги замонавий усулларни эгаллаш учун ташкил этилган ўқув машғулотларида малакаларини ошириб қайтдилар.*

СУРАТДА: шифокорлардан Феруза Умарова билан Фотима Собировалар беморга қўйилган ташхис юзасидан фикрлашмоқдалар.

*Сайловдан сўнг*

## МАҲАЛЛА НУФУЗИ КИМГА БОҒЛИҚ?

**"Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу – сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир" деган эди давлатимиз раҳбари. Ҳақиқатдан ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг энг қуйи бўғини бўлган маҳалла қўмиталари бугунги кунга келиб давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларни амалдаги қонунлар асосида ҳал этувчи органга айланди.**

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатлари анча кенгайди. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги жадал юксалиб боришига хизмат қилмоқда. 2008 йил ноябрь-декабрь ойларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) сайлови аввалгиларига нисбатан демократик руҳда ўтганлиги ва асосан илмли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлганлар танлаб сайланганлиги ҳам шундан далолат беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислиги (оқсоқоллиги)га айниқса, биринчи марта сайланганларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маҳалла бошқарувини амалда ташкил этиш юзасидан кўмак бериш мақсадларига қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ҳуқуқий билимларини такомиллаштиришга қаратилган ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Тегишли шаҳар ва туманларни қамраб олган дастлабки минтақавий ўқув машғулотлари Чирчиқ ҳамда Янгийўл шаҳарларида ташкил этилди.

*Тадбир*

**Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятчилик, гиёҳвандлик, тери-таносил касалликлари дунё ҳамжамияти учун жиддий муаммога айланган.**

## ҲАЁТ ИЛЛАТСИЗ ГЎЗАЛ

Ёшларни бу мудҳиш иллатлардан ҳимоялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида Ангрен шаҳрида "4 карра йўқ!" шиори остида шаҳар ёшларининг катта шоу-концерти ташкил этилди. Вилоят давлат педагогика институтининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликдаги бу тадбирида 600 нафар талабалар иштирок этишди.

Тадбирда "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" эзгу тамойилига асосан мамлакатимиз ёшлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртнинг муносиб фарзандлари бўлиб камолга етиш, қолаверса, бахтли ва фаровон келажакни яратиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

Вилоят наркология ҳамда шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерлари мутахассислари XXI аср вабосига айланган гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг келиб чиқиш омиллари, унинг мудҳиш оқибатлари хусусида ёшларга тушунча беришди.

Шундан сўнг, иштирокчилар учун "Адашганлар қисмати" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмда инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати, келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик домига тушиб қолган айрим шахслар тақдири тасвирланган. Хорижга ноқонуний олиб чиқиб кетилган бу кишиларнинг аянчли қисмати тадбир иштирокчиларига катта сабоқ бўлди.

Пировардида "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлими намойиш этган концерт дастури талаба-ёшларда яхши таассурот қолдирди.

**Саид ҲАСАНОВ.**



## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

**Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта. Уларнинг халқ билан ҳамжиҳатлиги маҳаллаларимизнинг осуда ва ободлиги, хонадонларимиз хотиржамлигига хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М. Зуфарова ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасида ушбу тизим фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячисига айланганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳузурида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилган. Профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. 2008 йил давомида 2694 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир.

Танловда Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Маданият", Наманган вилояти Наманган туманидаги "Хўжақишлоқ", Бухоро вилояти Когон шаҳридаги Файзулла Хўжаев, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Ғолибларга "Matiz" автомашиналари тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

*Машғулот*

**Чирчиқ авиация-таъмирлаш механика заводида "Бошқарув идоралари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг табиий фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати" мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машғулоти бўлиб ўтди.**

## ВАЗИЯТ ВА МУҲОФАЗА

Тадбирга завод раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг куч ва воситалари ҳамда 1-цех ишчи-хизматчилари жалб этилди.

Асосий эътибор аҳоли ва ҳудудларни табиий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, завод бошқарув идораларининг тайёргарлик даражаси, тузилмалар шахсий таркиби ҳамда бошқарув идораларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш кучлари билан ҳамкорлигини таъминлаш масалаларига қаратилди. Машғулот "Диққат, ҳамма учун!" сигналига биноан ишчи-хизматчиларни зудлик билан хавфсиз жойга эвакуация қилиш билан бошланди. Шартли вайронгарчилик ўчоғи ташкил этилиб, ундан олиб чиқилган жабрланганларга қутқарувчилар ва санитар дружиначилар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди. Беморлар зудлик билан шифохонага етказилди. Шунингдек, иншоот ҳудудида содир бўлган ёнғин ўт ўчирувчилар томонидан бартараф этилди. Қўмондонлик-штаб ўқув машқига 315 киши, 16 та техника жалб қилинди.

**Ҳусниддин АЪЛОЕВ,**
**вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи.**

*Вилоят ҳокимлигида*

## ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ ЯШАМОҚ ДАВРИ

**Ёшлар йилида давлатимиз амалга оширган кенг кўламдаги ишлар навқирон авлодга чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг қамровли, мақсадли давлат дастурлари татбиқ этилиб, ёшларимизга ҳар томонлама имкониятлар яратилаяпти.**

Вилоят ҳокими Рустам Холматовнинг ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ташкилотлари вакиллари билан учрашуви шу мавзуга бағишланди. Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Шунингдек, вилоят Марказий банки, "Саноатқурилиш" ҳамда "Ипотека" акциядорлик-тижорат банкининг вилоят бошқармалари бошқаруви раислари ҳам учрашувда қатнашишди.



Вилоят ҳокими ёшлар ташкилоти энг илғор, ташаббускор куч сифатида ўз ўрнига эга эканлиги хусусида тўхталиб, вилоят салоҳиятини янада кўтариш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бошқа жараёнларда илғор ютуқларга эришишда малакали ёш кадрлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Жамиятда асосий куч бўлган ёшлар учун ҳар томонлама кенг имкониятлар мавжудлиги, хусусан мустақил тадбиркорлик фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришга кенг йўл очиш юзасидан бир қатор мулоҳазалар билдирилди. Ўз навбатида банк мутасаддиларига ёшлар таклифларини чуқур ўрганиб, зарур амалий ёрдам кўрсатиш хусусида йўл-йўриқлар берилди.

Шунингдек, баҳор фасли яқинлашаётганлиги муносабати билан жойларда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларини изчил олиб бориш, бунда ёшлар алоҳида ташаббус кўрсатишлари лозимлиги таъкидланди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Мулоҳаза*

## ЧАВАНДОЗ ОТ БИЛАН ТИЛ ТОПИШСА

От ҳам шунчалик чиройли бўладими?! Келишган қомати кўзни ўйнатиб, ақлни шоширади. Лақабларининг қизиқлигини айтмайсизми? Профи, Ангел, Бахус, Рейфедер, Сигнал, Бола, Меликуш... Собиржон Исоқов уларни меҳр билан эркалаб, бўйнига шапатилаб, ёлларини силаб, ҳар бирига завқ билан таъриф беради:

– Бу жониворларнинг забони йўқ, холос. Лекин, гапингизни тушунади, эркалаётганингизни билади. Сиз уларга қандай муомала қилсангиз, улар ҳам сизга шундай муносабатда бўлишади. Чавандоз билан отнинг "тили бир" бўлмаса, мусобақада совриндан умид беҳуда.

– **Қанақасига?**

– Чавандоз мусобақага миниб чиққан отининг феълини яхши билмаса, у ёки бу мажбурий машқларни бажаришда отга тўғри "команда" беролмайди.

Ҳеч кузатганмисиз, мусобақа совринини қўлга киритган чавандоз олқишу қийқириқларга эътибор бермай, биринчи галда отини эркалашга киришади: бошини бағрига босади, шапатилайди, тумшуғидан ўпиб қўяди, оғзи тинмай, чиройли сўзлар билан мақтайди. Ишонаверинг, от буни тушунади.

Биласизми, чавандоз нима учун шундай қилади?

– **Хўш?**

– Бошқа спорт мусобақаларида ғалаба ҳам, олқиш ҳам – спортчиники. От спорти мусобақаларида эса, асосий меҳнатни от қилади. Аммо, барча олқишу совринлар – чавандозга. Яхши чавандоз отга меҳр кўрсатиб, ана шу кемтикнинг ўрнини тўлдиради. Қайта айтаман, от буни ҳам тушунади.

– **Назаримда сиз фақат чавандоз бўлиш учун туғилгандексиз...**

– Унчалик эмас. Аслида мен машҳур футболчи бўлишни орзу қилардим. Лекин болалик орзуси бошқаю тақдир бошқа экан.

(Давоми 4-бетда).

*Одамийлик шеваси*

## ЯХШИЛИК

Бекободда Ойбек қишлоғи бор. Одамлари очиққўнгил, танти, меҳмондўст. Қишлоққа бирор юмуш билан бориб қолсангиз, танимаса ҳам, «қани, меҳмон, уйга марҳамат», деб таклиф қилаверади, беғонасирамайди. Одат шунақа. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдиму, бу қишлоқ одамларига яна меҳрим ошди.

Ўша томонларга иш юзасидан зудлик билан боришга тўғри келиб қолди. Пешиндан кейин йўлга отландим. Қўйлиқдаги машина бекатига бордим. Кеча-ю кундуз одам аримайдиган бу жойда машина деганларининг хилма-хилини учратасиз. Ҳайдовчилар йўловчиларга шунчалар ўчки, асти қўяверасиз. Хуллас, кечаси йўлга чиқсангиз ҳам, кўчада қолиб кетмайсиз....

Атрофда машина калитини ўйнатиб, киракашлар мижоз қидиришади. Уларнинг биридан сўрадим:

– Ойбеккача қанча оласиз?

– От билан туя бўлармиди, 15 минг сўм-да.

– Жуда баланд-ку?!

– Хоҳласангиз шу ака, агар кетсангиз ҳозироқ жўнаймиз...

Қолган киракашлар ҳам худди келишиб олгандек, шу нархдан бошқасига кўнмади. Чанқоғимни қондириш учун ҳайдовчиларга мўлжалланган тамаддихонага кирдим. 50 ёшлар чамасида бир киши чой ичиб, дурра билан елпиниб ўтирар эди. У билан бир зумда танишиб олдик. Бахтиёр ака ҳам анчадан буён Тошкент – Ойбек йўналишида киракашлик қиларкан. Негадир мен айтган нархга ҳеч нарса демай рози бўлди.

– Яна уч киши топилса, йўлга чиқамиз, – деди Бахтиёр ака. Шу пайт машиналар атрофида бир йигит пайдо бўлди. Соч-соқоллари ўсган бу мижозни киракашлар бир зумда ўраб олиб, талаша кетишди. Шунда йўловчи уларга нимадир деди шекилли, калит ўйнатган киракашлар тезгина тарқалишди. Буни кузатиб турган Бахтиёр ака уни чақириб олди. Йигитнинг эгнидаги кийимлари анча уринган, юз-кўзлари ҳорғин эди. Кўп ўтмай, яна икки аёл қўшилиб, йўлга чиқдик.

Ҳамроҳларим ёнимда ўтирган йигитга ола қараш қилиб қўйишарди. Олдинги ўриндиқда ўтирган опахон ёмон ҳид сезгандек, қимматбаҳо атирини олиб, атрофга сепди. Буни кўрган Бахтиёр ака мийиғида кулиб, ноқулай ҳолатдан чиқиш мақсадида, машинадаги магнитофоннинг мурватини буради. Ёнимдаги йигит хижолат бўлганидан юзини ойнага буриб, ташқарини кузатган бўлди. Бу нотаниш йигит мени қизиқтириб қолди. Маълум бўлишича, у Ойбекка қўшни қишлоқдан экан. Бундан икки ҳафта олдин бир одам қишлоқда бекор юрган уч-тўрт йигитни йиғиб, Қозоғистонда мўмай пул топиб келасизлар деб, ўзи билан эргаштириб кетибди. Улар орасида бизнинг ҳамроҳимиз ҳам бор эди. Йигитлар Чимкент вилоятининг Бешқалъа шаҳарчасидаги бир нотаниш уйга келиб тушадилар. Уларни олиб келган ҳалиги одам иш берувчиларга йигитларни таништириб, паспортларини йиғиб олар экан:

– Бировнинг уйидасизлар, қимматбаҳо буюмлари йўқолиб қолиши мумкин. Бу – эҳтиёти шарт. Ишни тугатганингиз заҳоти пулга қўшиб, паспортларни ҳам берамиз, – дейди.

Қишлоқ йигитлари одатда содда, ишонувчан бўлади. Улар бунга дарров рози бўлақоладилар. Хўжайинлар йигитларга ҳовлининг нариги четидаги қурила бошланган иморатни кўрсатиб, ҳар бирига вазифа бўлиб берадилар. Иш берувчилар на овқат, на тураржойни тайин қилмай, жуфтакни ростлаб қоладилар.

(Давоми 4-бетда).

## Футбол

# ҚОСИМОВ ҒАЛАБА КАЛИТИНИ ТОПДИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2011 йили Қатарда бўладиган Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаси "С" гуруҳи беллашувларини муваффақиятли бошлади.**



Гуруҳдаги дастлабки учрашув азалий рақиб – Бирлашган Араб Амирликлари майдонида ўтди. Жамоалар бунгача саккиз марта учрашиб, ҳамюртларимиз фақатгина 1999 йили Ал-Айндаги баҳсда арабларни 1:0 ҳисобида мағлуб этган. Қолган ўйинларнинг иккитасида дуранг қайд этилган, бешта ўйинда БАА вакилларининг қўли баланд келганди. Шу маълумотлар ва айни пайтда биздан фарқли ўлароқ, араб мамлакатларида футбол мавсумининг қизғин паллага кирганини инобатга олган мухлису мутахассислар бу учрашувда мезбонларнинг имкониятини юқори баҳолаётган эди.

Бироқ, учрашувда тахминлар ўзини оқламади. Миржалол Қосимов бу гал хориж мамлакатларида тўп сураётган М. Шацких, В. Денисов ҳамда А. Ибрагимов каби етакчи легионерлар, А. Гейнрих ва А. Алиқулов каби тажрибали чарм тўп усталари хизматидан фойдаланмаган бўлса-да, асосан иқтидорли ёш футболчилар жалб қилинган терма жамоамиз БААдан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди.

Беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртларимиз ўттизинчи дақиқага бориб, ҳисобни очди. Элдор Магдеевнинг аниқ тўп узатишидан сўнг ёш ҳужумчи Фарҳод Тожиев рақиб дарвозасини ишғол қилди. Қолган дақиқаларда ҳар икки томонда бир нечта қулай вазият юзага келган бўлса-да, ҳисоб ўзгармай қолди.

Шундай қилиб, Миржалол Қосимов шогирдлари йилнинг дастлабки расмий учрашувида 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Лекин футболчиларимизнинг бу йилги мавсумдаги асосий вазифаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати финалига чиқишдир. Шунинг учун БАА билан бўлган ўйин жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари – 11 февраль куни Баҳрайн ва 28 март куни Қатарга қарши ўтказиладиган беллашувлар олдидан тайёргарлик вазифасини ўтади.

Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз навбатдаги расмий учрашувни 11 февраль куни жаҳон чемпионати саралаш гуруҳидаги рақибимиз – Баҳрайнга қарши Тошкентда ўтказадилар.

## Шахмат

# ТУР ЮТУҚЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**Республика шахмат-шашка клубида 10 ва 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилаётган мамлакат биринчилигининг бешинчи тур баҳслари вилоятимиз вакиллари учун омадли бўлди.**

Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар орасида муваффақиятли қатнашаётган вакилимиз Р. Мемедлаев фарғоналик М. Абдумўминовни енгиб, учинчи ғалабасини нишонлади. Қашқадарёлик М. Усмоновни мот қилган У. Сатторов ва пойтахт шахматчиси И. Тоировдан устун келган Т. Имомов ҳам учтадан очкога эга бўлишди. Б. Ҳамзаев, С. Ҳосилов, Ж. Махсумов ва Ж. Ўролов ҳам бешинчи турда рақиблари устидан зафар қучишди.

Қизлар баҳсида бешинчи тур олдидан совриндорлар сафида бораётган Е. Антюхова бу гал дастлабки мағлубиятини тан олиб, олтинчи ўринга тушиб кетди. Шундай бўлса-да, ҳозирча уч ярим очко тўплаган Е. Антюховада яна пешқадамлар сафига қайтиш имкони юқори. Яна бир шахматчимиз А. Кулимова сурхондарёлик И. Рўзиева билан дуранг ўйнаб, очколарини икки яримтага етказди.

Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар баҳсида И. Бойметов кетма-кет учинчи ғалабасини нишонлаб, ўн биринчи поғонага кўтарилиб олди. Вилоят вакилларидан С. Бўронов, А. Бекмуродов, Ҳ. Эгамов ва С. Намозов ҳам ғалаба нашидасини суришди.

Қизлар беллашувида навбатдаги турнинг энг қизиқарли учрашувларидан бири вилоятимиз шахмат усталари – Ж. Собирова ва З. Турумбекова ўртасида бўлди. Партияни ўз фойдасига ҳал қилган Ж. Собирова уч очко жамғариб, совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда. Яна бир вакилимиз Ф. Муҳамадкаримова тошкентлик Н. Орипова билан дуранг ўйнади.

**Боҳир БЕК.**

## Мулоҳаза

# ЧАВАНДОЗ ОТ БИЛАН ТИЛ ТОПИШСА



Отам (Ҳошим бува)нинг ўндан зиёд қорабайир зотли отлари бўларди. Юрт кезиб, улоғу кўпкариларда улоқни ҳам, совринни ҳам ҳеч кимга бермасдилар. Мени ҳам ўзлари билан олиб юрардилар. Шу-шу отларга ўрганиб, боғланиб қолдим.

**– От минадиган одам касалга чалинавермайди дейишади, ростдан шунақами?**

– Подшоларнинг қизлари канизаклари билан бекорга чавгон ўйнамаган. Биласиз, чет элларда зодагонлар оиласида от боқиш русум бўлган. Ўғилдир, қиздир, бойваччалар от миниб улғайишган. Мана, бизнинг мактабимизда ҳам ҳозир 92 чавандоз бўлса, уларнинг аксарияти ёшлар.

**– Дарвоқе, бу мактаб қачон ташкил этилди?**

– Бир бошдан айтадиган бўлсам, мактабимиз 1970 йилда от спорти клуби бўлган. 1980 йилда вилоят олимпия маҳорат мактабига айлантирилди. 1999 йил 30 мартдан буён от спортига ихтисослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомида фаолият юритаяпти. Болаларни 12 ёшдан қабул қиламиз. Вилоят терма жамоасига номзод тайёрлаш учун 4-5 йил вақт керак бўлади. Ҳозирги энг умидли ёшларимиздан бири Даврон Маҳмудбеков 1993 йилда туғилган.

**– Мактабингиздан республика терма жамоаси аъзолари ҳам етишиб чиққанми?**

– Албатта. Аввало шуни айтай, бизда машғулотлар тўрт йўналишда, яъни конкур, икки ва учкураш, отни маҳоратли бошқариш ҳамда кўпкари бўйича олиб бориладди. Иброҳим Йўлдошев, Исожон Содиқов, Ғайрат Назиров, Даврон Ғафуров каби чавандозларимиз конкур бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари. Александр ва Николай Ильинлар, Анастасия Болотова учкураш бўйича спорт усталари, Елена Чистекова ва Гўзал Меҳмонова отни маҳоратли бошқариш бўйича спорт усталигига номзод даражасига етишган. Уларнинг ҳаммаси республика терма жамоасига аъзо ва номзодлар ҳисобланишади.

**– Булар орасида сизнинг шогирдларингиз ҳам борми?**

– Александр Ильин – менинг шогирдим. Яна Серик Жайикбоев, Довуржон Бозоров, Ойбек Ойбўтаев, Серик Жолдашев, Фазогир Худойназаров, Даврон Маҳмудбеков ва Зулайҳо Азизовани учкураш ҳамда конкур бўйича спорт усталигига номзод қилиб етиштирдим. Уларнинг аксарияти вилоят терма жамоаси асосини ташкил этишади.

**– Мактабда тартиб қандай? Отлар парвариши, уларни мусобақага "ўргатиш" билан кимлар шуғулланади?**

– Мактабимизда 27 киши ишлайди. Уларнинг 9 нафари – мураббий. Боя айтганимдек, машғулотларда 92 чавандоз қатнашади. Икки ёшдан 21 ёшгача бўлган 29 та отимиз бор. Асосан қорабайир ва ахалтекин зотлардан иборат. Ҳар бир от муайян кишига бириктирилган. Вақтида ювинтириб, беш маҳал озиқлантирилади. Айтмоқчиманки, отларимиз ҳеч вақт қаровсиз ва ёлғиз қолмайди, ёнида доим одам бўлади.

**– Шунча оту чавандозлар билан вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган бўлсангиз керак?**

– Гапирса арзийдиган ютуқларимиз йўқ эмас. Масалан, ўтган йили ўн бешга яқин нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдик. Битта, мисол келтираман. Даврон Ғафуров, Ғайрат Назаров, Иброҳим Йўлдошев, Исожон Содиқов жаҳон кубоги мусобақаларининг саралаш баҳсида муваффақиятли қатнашиб, Бишкек, Алмати ва Москва шаҳарларида ўтадиган босқичга йўлланма олишди. Бу босқичда ҳам совринли ўринларни эгаллайдилар.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, вилоят терма жамоаси бир неча йилдан бери республика мусобақаларида мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.



**– Ва ниҳоят, анъанавий савол: бу йилги режалар қандай?**

– Режа билан ишлаш яхши, албатта. Аммо мен фурсатдан фойдаланиб, кундалик ишларимиз жараёнида юзага келаётган фикр-мулоҳазалар, орзу-истаклар ҳақида гапирсам дегандим. Негаки, матбуот бизга кўп ҳам эътибор қаратавермайди, мухбирлар кам келишади.

**– Айни муддао, бизга ҳам шуниси маъқул.**

– Биринчидан, Чирчиқ шаҳрида, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ ва Қибрай туманларида мактабимиз филиалларини очишни ўйлаяпмиз. Маълумки, республика терма жамоасига аъзо ва номзодларни тайёрлаш учун 4-5 йил вақт кетади. Жойларда филиалларимиз бўлса, кўпроқ шогирд етиштириш ва энг иқтидорлиларни танлаб олиш имконияти кенгаяди.

Агар шароит яратилиб, от заводлари ташкил қилинса, спорт учун зотли отларни зооветеринария йўли билан етиштириш имкони туғиларди, улар учун паспортлар расмийлаштириларди. Паспортли отлар билан турли халқаро мусобақаларда қатнашиб, олимпиада ўйинларига йўлланма олинарди. Паспортсиз отлар эса, олимпиадага қўйилмайди.

Ҳозир ёш отларни фақат четдан олиб келаяпмиз. Уларни 7 ёшигача парваришлаб, мусобақаларга ўргатаяпмиз. Зоти тоза от 10-16 ёшида энг юқори натижа кўрсатади. Ундан кейин сусаяди. Демак, уларнинг ўрнини тўлдирадиган яхши отлар керак. Агар от заводлари ташкил этилса, зотдор отлар чатиштириш йўли билан ўз юртимизда етиштирилса, жойларда филиалларимиз кўпайса, юқоридаги ниятларимиз рўёбга чиқарди.

Яна бир муҳим гап. Янглишмасам, мамлакатимизда отларнинг эгар-жабдуқларини тайёрлайдиган бирорта ҳам устахона йўқ. Эгарларни фақат жиззахлик, жабдуқларни эса водийлик хусусий усталар тайёрлашади. Бироқ, бу эгар-жабдуқлар от спорти андозаларига мос келавермайди. Шунинг учун уларни катта маблағ сарфлаб, Ҳиндистон ва Хитойдан келтиришга мажбурмиз. Чавандозларнинг махсус спорт кийимлари хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Қолаверса, мактабимиз республика "Отчопари"да ижарада ўтирибди. Вилоят ҳудудида алоҳида жойимиз бўлса, қанотимизни янада кенгроқ ёярмидик.

Маҳмуджон Абдуназаров мактабимизга директор бўлиб келганидан сўнг бу масалалар тез-тез тилга олинаяпти. Яхши ният ярим мол деганларидек, ажаб эмаски, эзгу ниятларимиз аста-секин рўёбга чиқса.

Хулоса қилиб айтганда, бу истак-ниятлардан мақсад шуки, вилоятда от спорти ҳозиргиданда кенг ривожланса, оммалашса, нафақат республика, балки, жаҳон от спорти майдонларида ҳам вилоятимиз чавандозлари ғолиблик шоҳсупасидан жой олишса...

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

СУРАТЛАРДА: мураббий Собиржон Исоқов ва чавандоз Рустам Ниёзов «Профи» лақабли отни навбатдаги машғулотга тайёрлашмоқда; машғулот пайти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Шундан кейин

### НАРКОЗНИНГ ЯНГИ ТУРИ

**Мексика пойтахти Мехикодаги шифохоналарнинг бирида жарроҳлик вақтида беморларни тинчлантирувчи янги усул қўллаш йўлга қўйилди.**

Маълумотларга қараганда, бу усул фақат танасининг муайян жойига наркоз олган беморда қўлланилади. Операция вақтида унинг хоҳишига қараб турли фильмлар намойиш этилади. Масалан, яшил майсазорда сайр қилиш, океан соҳилларида дам олиш ёки коинотга парвоз қилиш каби виртуал анестезия таклиф этилади. Бунинг учун беморга махсус кўзойнак тақиб қўйилади. Ушбу ускуна воситасида тасвирлар намойиш этилади.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, бундай усул жарроҳлик пайтида беморларни тинчлантириш ва оғриқ ҳиссини камайтиришга ёрдам беради.

### "NOKIA" ҲАМ ОҚСАМОҚДА

**Мобиль телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида турадиган "Nokia" компаниясининг молиявий аҳволи тобора ёмонлашмоқда.**

Экспертларнинг сўзларига кўра, бунинг боиси жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз туфайли одамлар қимматбаҳо буюмлар, жумладан, мобиль телефонларни ҳам харид қилмай қўйганида.

Компания вакилларининг таъкидлашича, жорий йилда мазкур корхонанинг савдоси ўн фоизга камайиши мумкин. Айни дамда "Nokia" раҳбарияти иқтисодий тангликни бартараф этиш чораларини изламоқда.

### ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ТЕЛЕВИЗОР

**"Philips" компанияси дунёда энг катта экранли телевизор ишлаб чиқара бошлади, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур "Cinema 21:9" телевизорининг диагонали 56 дюймга тенг. У тасвирни бошқа турдаги телевизорларга нисбатан тиниқ кўрсатади ва электр энергиясини кўпроқ тежайди. Жорий йилда мазкур маҳсулотнинг сотувга қўйилиши режалаштирилган.

**ЎзА.**

ЗАО "EKORECJCLING" сообщает, что решением внеочередного общего собрания акционеров от 1 ноября 2008 г. предприятие преобразуется и меняет название с ЗАО "EKORECJCLING" на ООО "Ekostrom Plus".

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Миракилова, 68-а. Тел.: 254-58-97.

## Одамийлик шеваси

# ЯХШИЛИК

Ҳаммаси шундан кейин бошланади. Қимматбаҳо буюмлари йўқолиб қолиши мумкин деган уйда эса ҳеч ким яшамаслиги, бу ерда чала қолган иморатдан бошқа нарса йўқлиги кейинчалик маълум бўлади. Йигитлар алданишганини шундагина сезишади.

Шу куни ишчилар ўзларига бириктирилган вазифаларни бажарадилар. Кеч тушади, аммо иш берувчилардан дарак бўлмайди. Бир амаллаб тонг оттирадилар. Эртасига пешинга яқин бир нотаниш одам икки буханка нон ташлаб кетади. Кечадан бери оч-наҳор ишлаётган йигитларга бу урвоқ ҳам бўлмайди. Кунлар шу зайлда ўтаверади. Уларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмайди. Бир муддат ўтгач, қандайдир малла сочли одам келиб, қилинган ишларни текшириб, яна бошқа вазифаларни юклаб, одатдагидек икки буханка нон ташлаб кетади.

Нотаниш йигитнинг айтганлари менинг ҳайратимни оширди. Сўнгги пайтларда баъзи ёшларимиз сўраб-суриштирмай, бегона юртларда иш қидириб, қандай аянчли ҳолатларга тушиб қолаётганликлари ҳақида кўп эшитганмиз. Мен йигитга юзланиб, туткунликдан қандай қутилгани, шерикларининг тақдири нима кечганлигини сўрадим.

– Ўртоқларим билан маслаҳатлашиб, бир ўзим қочишга қарор қилдим, – дейди йигит. – Тонг саҳарда бир амаллаб қўрғондан қочишга муваффақ бўлдим. Бир ҳафта кечани кеча, кундузни кундуз демай юрдим. Йўлларда бировларнинг юмушларини қилдим. Овқат берса бас. Ниҳоят, Ўзбекистон чегарасига етиб келдим. Энг муҳими чегарадан эсон-омон ўтиб олиш. Чунки ҳужжатсиз чегарага яқинлашиб ҳам бўлмайди. Шу топда бахтимга бир кекса чўпон қўйларини ҳайдаб ўтиб қолди. Умидим ўша чўпондан бўлгани учун, бор гапни унга айтиб бердим. Аҳволимни тушундими ёки қўйларни етаклашга текин ёрдамчи топилганиданми, дарров рози бўлди. Шундай қилиб, чолнинг қўйларини етаклаб, чегарадан ўтиб олдим.

Юрт қадрини мусофирчиликда билар экан, киши. Очлигимни ҳам, чарчоғимни ҳам унутиб, тўғри Қўйлиққа йўл солдим. Энди, тезроқ уйга етиб бориб, тегишли идораларга бор гапни айтиб бериш, шерикларимни қутқариб, паспортларимизни тезроқ олишимиз керак.

Ҳамроҳимга ачиниб қарадим. Киракашлар бу йигит билан нега келиша олмаганларини тушунгандек эдим...

Олдинги ўриндиқдаги йўловчи опамиз, ҳайдовчига:

– Мулла ака, агар иложи бўлса, бирор жойда тўхтаб, тамадди қилиб олсак. Айтишларича, бу атрофдаги ошхоналарнинг овқатлари жуда мазали экан, – деди.

Бахтиёр ака худди шуни кутгандек, дарров рози бўлди:

– Қани сиз ҳам юринг биз билан, – деб, қимтиниб ўтирган шеригимни ҳам етаклади. Хижолатдан қизарган ҳамроҳим ноилож рози бўлди. Албатта, бу таклиф баъзи бировларга ёқмади....

Сув бўйидаги бу оромгоҳ нақ жаннатнинг ўзгинаси эди. Пастда шовуллаб оқаётган сувнинг салқини кишини маст қиларди. Анҳор устига ўрнатилган сўрилар хўрандалар билан гавжум. У ёқда тандир кабоб, бу ёқда селини оқизиб сомса узилаяпти, яна кимдир жазиллатиб балиқ қовураяпти, катта дошқозонларда палов дейсизми, шўрва дейсизми, хоҳлаганигиздан бор. Тўғриси, ўзимдан кўра шеригим учун кўпроқ қувондим. Ахир, у бир неча кун туз тотмаган.

Овқатдан сўнг яна йўлга тушдик. Бекобод туманига кириб келганимизда, кеч бўлиб қолганди. Ҳамроҳларимиз бирин-кетин манзилларида тушиб қолишди. Ниҳоят, йигит айтган қишлоққа ҳам етиб келдик. Бахтиёр ака йўлда болалари учун бироз совға-салом олган экан, шуларнинг бир қисмини йигитга берди:

– Тошкентдан келаяпсиз, уйга қуруқ кирманг.

Бахтиёр аканинг бу гапи йигитни ларзага солди. Кўзида ёш қалқди. "Раҳмат, раҳмат"дан бошқа сўз келмасди тилига.

Йигит биз билан қайта-қайта хайрлашиб, йўл ёқасида қўл силтаганича қолди. Кетаяпмиз-у ҳалиги киракашларнинг оғзини тўлдириб, «15 минг сўм бўлади», деган гаплари қулоғим остида жаранглайверади. Нега, улар Бахтиёр акага ўхшамаган? Шу ўйлар билан бўлиб, Ойбекка ҳам етганимизни сезмабман.

– Мана, уйга ҳам етиб келдик, – деди Бахтиёр ака.

– Сиз шу қишлоқданмисиз, – дедим ажабланиб.

– Ҳа, Ойбекда туғилганман, ота-онам ҳам шу ерлик, – деди жилмайиб у...

"Яхши билан юрсанг, етарсан муродга" деганлари рост. Кейинроқ билсам, Бахтиёр ака ҳамиша одамларга яхшилик қилишга, уларнинг ҳожатини чиқаришга интиларкан. Яна бир фазилати – қилган яхшиликларини оғиз очиб, бировга айтмас экан. Буни шунчаки, инсонийлик деб билармиш.

Орамизда ана шундай олижаноб кишиларнинг борлиги ҳаётда яхшилик дея аталувчи бебаҳо фазилатнинг йўқолиб кетмаслиги кафолати эмасми?

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ООО "Cotton Apparel" в форме ООО (ИНН 300817635) уведомляет о том, что по протокольному решению учредителя № 4 от 15.12.2008 г. размера уставного капитала (фонда) ООО "Cotton Apparel" уменьшается в связи с выходом из состава учредителей соучредителя ГАК "Узбекенгилсаноат". Величина уставного капитала (фонда) после его уменьшения составит 436 647 309,00 (четыреста тридцать шесть миллионов шестьсот сорок семь тысяч триста девять) сум. Требования кредиторов ООО "Cotton Apparel" могут быть предъявлены в течение тридцати дней с даты публикации по адресу: г. Ташкент, Ц-4, д. 29, кв 1/4.

ООО "MIR-FAYZ" (ИНН 202388515) С. Рахимовского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 17,010,000 сума до 1,500 000 сумов. Справки по тел.: 103-23-44.

## Рассом хандаси




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 10337. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 6 7 8